

Date: 29th October-2025

ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШ ЖОЙЛАРИДАН ШАРТЛИ ОЗОД
ЭТИЛГАН МАҲКУМЛАРНИ ИЖТИМОЙ МОСЛАШТИРИШ ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ

Фармонов Илҳомжон Фирдавс ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси 3-ўқув курси курсанти

Аннотация: муаллифлар мазкур мақолада ижтимоий мослаштиришга оид қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти, озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод этилган маҳкумларни ижтимоий мослаштириш тартиби ва асосларини ёритиб берган.

Калит сўзлар: дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети, идоралараро комиссия, ёрдам пули, пробация, маҳкум.

Янги Ўзбекистон тараққиётининг устувор ғоясига айланган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш ҳамда адолатни қарор топтиришни давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантирган, ушбу соҳада мутлақо янги халқаро ташаббуслар муаллифи бўлган давлат сифатида танилмоқда ва эътироф этилмоқда. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинишини таъминлаш, ҳар бир шахснинг кадр-қимматини эъзозлаш биз барпо этаётган очиқ, эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусиятидир. Бундай принцип асосий қонунимизда ҳам қатъий белгиланган.

Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида мужассам этилгани бежиз эмас. Ана шу принципни амалга ошириш учун сўнгги йилларда, инсон ҳуқуқларини таъминлаш самарадорлигини янада ошириш борасида мамлакатимизда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, жазони ижро этиш тизимини такомиллаштириш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини таъминлаш, қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида, уларни ахлоқан тузатиш бўйича тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилиб, доимий равишда такомиллаштирилиб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сонли қарорининг қабул қилиниши²⁰ эса ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм этилган шахсларни назорат қилиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштирилишига сабаб бўлди десак муболаға бўлмайди.

²⁰ URL: <https://lex.uz/docs/4045443> (электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 30.04.2024 й.)



Date: 29th October-2025



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 март кунидаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармони²¹, Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси, Хукукбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, Пробация хизматини ўз ичига оладиган Жамоат хавфсизлиги департаменти ташкил этилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида» ПФ-27-сонли Фармони²² билан Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси ҳамда 2022 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси тасдиқланди. Фармон асосида, Жамоат хавфсизлиги департаментининг асосий вазифаларидан бири, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этишни таъминлаш, пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атворини назорат қилиш, ижтимоий мослаштириш ва қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш ишларини ташкил этиш этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27-сон «Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш ҳамда Жамоат хавфсизлигини таъминлаш департаменти Пробация хизмати фаолиятига янги иш услубларини татбиқ этиш мақсадида, Жамоат хавфсизлиги департаменти Пробация хизмати тўғрисидаги низом қабул қилинди. Ушбу низом асосида пробация хизмати ходимлари, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш бўйича чоратадбирларни ташкил этиши ва амалга ошириши асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги 60-сон Фармони²³ билан «Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан етита устувор йўналишдан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид давлат дастури ишлаб чиқилди.

Тараққиёт стратегиясида инсон қадрини улуғлашга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш борасида вазифалар белгиланди.

²¹ URL:<https://lex.uz/docs/5344118> (электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 30.04.2024 й.)

²² URL:<https://lex.uz/docs/5749291> (электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 30.04.2024 й.)

²³ URL:<https://lex.uz/docs/5841063> (электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 30.04.2024 й.)

Date: 29th October-2025

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 июндаги «Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 299-сон Қарори²⁴ асосида, озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларга келгусида жамиятда ўз ўрнини топишига амалий кўмаклашиш учун «дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети»ни бериш тизими жорий этилди.

Унга кўра, ҳар бир туман (шаҳар)да туман (шаҳар) ҳокимлари раҳбарлигида Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш бўйича «дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети»ни бериш масаласини кўриб чиқувчи идоралараро доимий комиссиялар тузилиб;

Идоралараро комиссиялар озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларнинг тадбиркорлик, меъморчилик, ҳунармандчилик каби йўналишлардаги аниқ лойиҳаларини ўрганиб чиқиш ва молиялаштириш бўйича асослантирилган хулосаларни тайёрлашга масъул ҳисобланади.

Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларга «дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети» маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан биринчи навбатда туман (шаҳар) бюджетлари маблағлари ҳисобидан, етишмаган қисми бўйича эса – Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг ўн баравари миқдорида, идоралараро доимий комиссияларнинг қарорлари асосида берилади.

«Дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети»ни бериш тартиб-таомиллари, Молия вазирлигининг «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали очиқ ва шаффоф тарзда амалга оширилади.

«Дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети»ни бериш тартиби “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш бўйича «дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети»ни бериш тартиби тўғрисидаги Низом асосида тартибга солинади.

Унга кўра,

Ёрдам пули ҳар бир кўмак олувчига унинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш учун тадбиркорлик, меъморчилик, ҳунармандчилик каби йўналишлардаги лойиҳаларини амалга оширишни молиялаштириш мақсадида **бир марта** берилади.

Туман (шаҳар) ҳокими Идоралараро комиссияга раислик қилади ва Идоралараро комиссия томонидан қабул қилинган қарорларни тасдиқлайди. Раис бўлмаганда ёки унинг топшириғига кўра Идоралараро комиссия йиғилишларига туман (шаҳар) ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари раислик қилади.

²⁴ URL:<https://lex.uz/uz/docs/6086474> (электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 30.04.2024 й.)



Date: 29th October-2025

Ички ишлар органлари пробация хизмати Идоралараро комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

Ишчи орган:

- Идоралараро комиссия йиғилишлари кун тартибига киритиладиган масалаларни тайёрлайди, йиғилиш баённомасини юритади ва расмийлаштиради;
- Идоралараро комиссия аъзоларига Идоралараро комиссия йиғилиши ўтказиладиган сана ва жой тўғрисида хабар беради;
- кўмак олувчиларнинг аризалари билан ишлайди ва уларни кўриб чиқиш учун Идоралараро комиссияга тақдим этади.

Идоралараро комиссия қарорлари унинг йиғилишида иштирок этадиган аъзоларининг **кўпчилик овози билан қабул** қилинади. Овозлар тенг бўлганда, раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Комиссиянинг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарор юзасидан ўз фикрини ёзма равишда билдиришга ҳақли. Қарорларни тезкор қабул қилиш мақсадида комиссия раиси алоҳида масалалар юзасидан комиссия аъзолари ўртасида сўровнома ўтказиш орқали қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга. Йиғилишларида баённома юритилади. Қабул қилинган қарорлар хулоса билан расмийлаштирилади ва раис томонидан тасдиқланади. Комиссия томонидан қабул қилинган қарордан норози бўлган аъзоси, тегишли қарор қабул қилинган куннинг ўзида таклиф ёки фикрларини ёзма равишда ишчи органга тақдим этиш ҳуқуқига эга. Қарорларининг бажарилиши раис томонидан назорат қилинади.

Кўмак олувчилар жазони ўтаб бўлганидан кейин **уч ой муддатда** ўз хоҳишига кўра ишчи органга ўзининг тадбиркорлик, меъморчилик ёки ҳунармандчилик каби йўналишлардаги аниқ лойиҳасини илова қилган ҳолда ариза тақдим этади.

Ишчи органга лойиҳа билан биргаликда ёрдам пулини олиш йўналиши, қайси мақсадларда сарфланиши ҳамда лойиҳа натижаси бўйича кутилаётган тахминий даромад ҳақида маълумот ҳам тақдим этилади. Ишчи орган **уч иш кун**и мобайнида аризани Идоралараро комиссияга киритади.

Идоралараро комиссия томонидан **ўн иш кун**и мобайнида ариза ўрганиб чиқилади, кўмак олувчилар тақдим этган лойиҳани молиялаштириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги юзасидан хулоса тайёрланади ҳамда ариза тасдиқланади.

Кўмак олувчиларнинг лойиҳасини молиялаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан **қуйидаги мезонлар** мавжуд:

- бошламоқчи бўлган тадбиркорлик, меъморчилик ёки ҳунармандчилик фаолиятининг натижадорлиги ва даромадли эканлиги;
- маҳалла фуқаролар йиғинининг ижобий тавсияси;
- кам таъминланган ёки ёлғизлиги;
- қарамоғида ногиронлиги бўлган ёки вояга етмаган фарзанди борлиги;
- кўп (4 ва ундан ортиқ) фарзанди борлиги ва моддий кўмакка муҳтожлиги;
- нотураб жойларда истиқомат қилаётганлиги.



Date: 29th October-2025

Идоралараро комиссия кўмак олувчиларнинг лойиҳасини ушбу мезонларга катгий риюя этган ҳолда ҳолисона баҳолайди. Молиялаштириш мақсадга мувофиқ эмаслиги юзасидан ҳулосага келганда, кўмак олувчиларга тақдим этилган лойиҳани такомиллаштириш ёки янги лойиҳа тақдим этиш бўйича тавсиялар беради.

Уч ой муддатда кўмак олувчилар комиссиянинг тавсиялари асосида дастлабки тақдим этилган лойиҳани такомиллаштирган ҳолда ёки янги лойиҳани тақдим этиши мумкин. Бунда, қайта тақдим этилган лойиҳаларга белгиланган тартибда яна ариза тақдим этади ва мезонлар асосида ўрганилади.

Тақдим этган лойиҳани молиялаштириш юзасидан киритган ҳулосаси комиссия раиси томонидан тасдиқлангандан сўнг ишчи орган **бир иш куни** мобайнида «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида тегишли маълумотларни киритади ва ҳулосани туман (шаҳар) ҳокимликларининг молия бўлимларига юборади.

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида тегишли маълумотлар киритилгандан сўнг **уч иш куни** мобайнида мазкур тизим орқали кўмак олувчиларнинг мобил телефон рақамига ёки электрон почта манзилига ёрдам пули ажратилганлиги тўғрисида хабар юборилади.

Ёрдам пулини бериш бўйича электрон тўлов қайдномалари тизимда автоматик равишда шакллантирилади ва АТ «Халқ банки» туман (шаҳар) бўлимига (филиалига) юборилади. Туман (шаҳар) ҳокимликларининг молия бўлимлари **уч иш куни** мобайнида ёрдам пулини бериш учун тегишли маблағларни АТ «Халқ банки»нинг туман (шаҳар) бўлими (филиали) махсус ҳисобварағига ҳар ойнинг 5-санасига қадар ўтказиб боради.

АТ «Халқ банки» бўлими томонидан бир ой муддатда;

- кўмак олувчиларга ёрдам пулини тўлайди;
- ёрдам пули тўланганлиги тўғрисида Идоралараро комиссияга маълумот тақдим этади;
- тўланмаган маблағларни тегишлилигига кўра маҳаллий бюджетларга қайтаради ҳамда тегишли молия бўлимларига электрон маълумот тақдим этади.

АТ «Халқ банки»га Молия вазирлиги билан тузилган шартномага асосан кўмак олувчиларга бериладиган ёрдам пулининг бир фоизи миқдорида банк хизмат ҳақини тўлаб беради.

Ишчи орган ёрдам **пули берилган вақтдан бошлаб бир йил давомида** кўмак олувчилар лойиҳасининг амалга оширилиш ҳолатини (шу жумладан, ёрдам пулининг мақсадли сарфланишини) **ҳар чоракда бир марта мониторинг қилади**, мониторинг натижаси бўйича маълумотнома тайёрлайди ҳамда уни Идоралараро комиссияга киритади. Кўмак олувчиларга ёрдам пулини бериш учун ажратилган маблағларнинг мақсадли фойдаланилиши қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилинади. Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.



Date: 29th October-2025



Хулоса ўрнида, бугунги кунда шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда ижро этиладиган жинойй жазолар ва уларнинг ижроси жараёнида қонунийликни таъминлашнинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб, жазонинг мақсадига эришишга олиб келади. Ушбу жазоларни ижро этишда қонунийликни таъминлаш шахсни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазо ижроси жараёнида ваколатли масъул субъектлар томонидан қатъий назорат олиб борилишини тақозо этади.

Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижросини таъминлаш жараёнида қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Пробация хизмати ҳамда жойлардаги Пробация бўлим ва бўлинмалари инспекторлари томонидан амалга оширилар экан, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган бир қатор ислохотлар жинойт-ижроия тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва уни халқаро стандартларга мослаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш механизмларини тубдан қайта кўриб чиқиш, умумэътироф этилган халқаро стандартларга мос равишда маҳкумлар ҳуқуқлари доирасини янада кенгайтириш жинойй жазоларнинг ижросини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланган. “Пробация хизмати” эса ҳозирда жинойт содир этган шахсларни ахлоқан тузатиш, уларни жамиятдан ажратмаган ҳолда жамоатчилик билан узвий ҳамкорликда қайта тарбиялаш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Халилов Д., Омирбаев Е. Пробация хизматининг назоратидаги шахсларга ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш бўйича вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик фаолияти //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2023. – Т. 2. – №. 8. – С. 36-40.
2. Халилов Д., Иброхимов А. Озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг умумий таълим ва касб-ҳунар ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари //Наука и технология в современном мире. – 2022. – Т. 1. – №. 7. – С. 389-396.
3. Халилов Д. А. Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларнинг ижтимоий мослашуви //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 9. – С. 12-15.
4. Халилов Д. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш институтининг ривожланиш тарихий босқичлари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 5. – С. 226-232.
5. Халилов Д. Ички ишлар органларининг жазони ижро этиш фаолиятида очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 72-74.

Date: 29th October-2025

6. Халилов Д., Амиров Б. Пробация хизматининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари //Наука и технология в современном мире. – 2022. – Т. 1. – №. 7. – С. 144-162.
7. Халилов Д. А. Пробация хизмати томонидан ижро этиладиган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг ўзига хос хусусиятлари //Siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 3. – С. 8-12.
8. Xalilov D., Muxammadqulov S. AXLOQ TUZATISH ISHLARI TARIQASIDAGI JAZO TUSHUNCHASI VA UNI IJRO ETISHNING AHAMIYATI //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 7. – С. 31-39.
9. Халилов Д. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ ФАОЛИЯТИДА ОЧИҚЛИГИ ВА ОШКОРАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 72-74.
10. Халилов Д. А., Саттаров Ж. Б. НОГИРОН МАҲКУМЛАР ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР МАЗМУН-МОҲИЯТИ //Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 14. – С. 162-167.
11. Xalilov D., Muxammadqulov S. PROBATSIIYA XIZMATI FAOLIYATINING TUSHUNCHASI VA MONIYATI //Международная конференция академических наук. – 2023. – Т. 2. – №. 7. – С. 9-15.
12. Халилов Д., Бердимўминов Ҳ. ОЗОДЛИКНИ ЧЕКЛАШ ЖАЗОСИНИ ИЖРО ЭТИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА //Инновационные исследования в современном мире: теория и практика. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 45-51.

